

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/31.03.2021.Tar.05.05 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АББАСОВ БЕҲЗОД БАХТИЁРОВИЧ

1946–1965 ЙИЛЛАРДА ЎЗБЕКИСТОН ҚИШЛОҚЛАРИДАГИ
ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ЖАРАЁНЛАРДА МИГРАЦИОН
ОМИЛНИНГ РОЛИ
(Фарғона водийси материаллари асосида)

07.00.01 – Ўзбекистон тарихи

Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Фарғона – 2022

**Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
историческим наукам**

**Contents of Dissertation Abstract of Doctor of Philosophy (PhD) on
historical sciences**

Аббасов Бехзод Бахтиёрович

1946–1965 йилларда Ўзбекистон қишлоқларидаги ижтимоий-иқтисодий
жараёнларда миграцион омилнинг роли (Фарғона водийси материаллари
асосида).....3

Аббасов Бехзод Бахтиёрович

Роль миграционного фактора в социально-экономических процессах в
селах Узбекистана в 1946-1965 гг (по материалам Ферганской долины).....23

Abbasov Bekhzod Bakhtiyorovich

The role of the migration factor in socio-economic processes in the villages of
Uzbekistan in 1946-1965 (based on the materials of the Fergana Valley).....43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works47

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/31. 03.2021.Tar.05.05 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АББАСОВ БЕҲЗОД БАХТИЁРОВИЧ

1946–1965 ЙИЛЛАРДА ЎЗБЕКИСТОН ҚИШЛОҚЛАРИДАГИ
ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ЖАРАЁНЛАРДА МИГРАЦИОН
ОМИЛНИНГ РОЛИ
(Фарғона водийси материаллари асосида)

07.00.01 – Ўзбекистон тарихи

Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Фарғона – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №В2019.4.PhD /Таг569-рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Наманган давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)). Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.fardu.uz.) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Пасилов Баҳодир Абдуллаевич
тарих фанлари номзоди, катта илмий ходим

Расмий оппонентлар:

Мусаев Нуриддин Умрзоқович
тарих фанлари доктори, профессор

Комилов Ойбек Камилович
тарих фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Самарқанд Давлат университети

Диссертация ҳимояси Фарғона давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.03/31.03.2021.Таг.05.05 рақамли илмий Кенгашнинг 2022 йил «7» 09 соат/01:00даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, Фарғона давлат университети, Гендер тенглиги тадқиқотлар маркази, 1-қават, мажлислар зали. Тел.: (99873) 244-44-02; факс: (99873) 244-44-93; e-mail: fardu_info@umail.uz, Фарғона давлат университети).

Диссертация билан Фарғона давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (181 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 150100, Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19-уй. АРМ биноси). Тел.: (99873) 244-44-94).

Диссертация автореферати 2022 йил «2» 08 кунни тарқатилди.
(2022 йил «2» 08 даги 8 рақамли реестр баённомаси билан).



Б.А.Усмонов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, т.ф.д.

Н.О.Алимова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, т.ф.ф.д. (PhD), доцент

Р.А.Арслонзода

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш ҳузуридаги Илмий семинар раиси, т.ф.н., доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Ҳозирги глобаллашув жараёнида жаҳондаги ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар дунё иқтисодиёти ва аҳоли миграциясига* катта таъсир кўрсатмоқда. Аҳолининг ички ва ташқи миграцияси ҳисобига ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, одамларнинг турмуш даражасини кўтариш, озиқ-овқат хавфсизлиги муаммоларини ҳал қилиш долзарб масалага айланди. Ушбу муаммоларни ҳал этишда Ҳалқаро миграция ташкилотининг ривожлантириш дастурларида назарда тутилган таклиф ва тавсиялардан келиб чиқиб, аҳоли ички миграциясининг ижтимоий, иқтисодий ва маданий оқибатларини кўрсатиб бериш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ҳалқаро илмий тадқиқот марказлари томонидан ўрганилаётган кўплаб муаммолар¹ қаторида янги ерларни ўзлаштириш, бу ерларга аҳоли зич жойлашган ҳудудлардан одамларни кўчириш масаласига эътибор кучайди. Бу миграцион жараёнларнинг дунё сиёсатида муҳим ўрин эгаллаши ва долзарб эканлигидан далолат беради. Шу нуқтаи назардан, мазкур жараёнлар билан узвий боғлиқ бўлган янги ерларнинг ўзлаштирилиши, янги аҳоли яшаш пунктларининг ташкил этилиши, ижтимоий инфраструктуранинг шаклланиши каби масалаларни аҳоли ички миграцияси динамикаси билан уйғун ҳолда тадқиқ этиш минтақалар ижтимоий-иқтисодий ривожининг ўзига хос жиҳатларини чуқур англашга хизмат қилади.

Мустақиллик йилларида махсус давлат дастурлари асосида Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий тараққиёт масаласига катта эътибор қаратилмоқда. Аҳолининг ички миграциясини ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан тўғри йўналтириш орқали янги аҳоли турар-жой мавзелари ташкил этилмоқда. Кечаётган ушбу ўзгаришларнинг моҳияти ва кўламини англашда тарихий жараёнларни таҳлил қилиш, уларнинг натижаларидан самарали фойдаланиш катта аҳамиятга эгадир. Шу жиҳатдан, Ўзбекистон минтақалари, жумладан, Фарғона водийсининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига ички миграцион жараёнларнинг таъсирини ёритиш Ватанимиз тарихшунослигининг долзарб йўналишларидан бирига айланди.

* Миграция (лот. migratio – кўчман, жойимни ўзгартираман) – аҳолининг бир жойдан иккинчи жойга кўчиши. Аҳоли миграцияси - аҳолининг яшаш жойини ўзгартириши билан боғлиқ кўчиши. У аҳолининг муҳим муаммоларидан бири бўлиб, унга кишиларнинг оддий механик кўчиш ҳаракати деб эмас, балки ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг кўп томонларини қамраган мураккаб ижтимоий жараён сифатида қаралади. Аҳоли миграцияси аҳолининг жойлашиши, ерни хўжалик жиҳатдан ўзлаштириш, ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантириш, ирқлар, тиллар ва халқларнинг пайдо бўлиши ва аралашиб кетиш жараёнлари билан боғлиқ. Ишлаб чиқаришни жойлаштиришдаги ўзгаришлар бевосита меҳнат ресурсларини ҳудудий қайта тақсимлаш эҳтиёжини келтириб чиқаради, бунга эса миграция ёрдамида эришилади. Йўналишига кўра ташқи аҳоли миграцияси ва ички аҳоли миграцияси фарқланади. Ташқи аҳоли миграцияси мамлакатдан чиқиб кетиш (муҳожирлик), ички аҳоли миграцияси эса мамлакат доирасида, вилоят ва туманлараро яшаш жойининг ўзгариши. Миграцион жараёнларда иштирок этувчилар - мигрант (муҳожир) лар, миграция оқими шаклланувчи ҳудуд-мигрантлар чиқувчи, улар борган ҳудуд-мигрантлар ўрнашувчи минтақа дейилади. Муайян мамлакатдан бошқа бирон-бир мамлакатга аҳолининг кўчиб кетиш жараёни эмиграция, унда иштирок этганлар эса эмигрантлар дейилади. Ва, аксинча бирон бир бошқа мамлакатдан маълум мамлакатга аҳолининг кўчиб келиши иммиграция, унда иштирок этганлар иммигрантлар (келгиндилар) дейилади. Қаранг: <https://qomus.info/encyclopedia/cat-a/aholi-migratsiyasi-uz/>.

¹ <http://www.soas.ac.uk>; <http://www.unrisd.org>; <http://www.fao.org>; <http://www.u-bordeaux.fr>; <http://www.wvu.edu>; <http://www.wrm.ru>; <http://tiim.uz>.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 мартдаги “Обод қишлоқ” дастури тўғрисида”ги ПФ-5386-сонли Фармони, 2017 йил 8 августдаги “Худудларнинг жадал ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашга доир устувор чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3182-сонли Қарори, 2021 йил 2 апрелдаги “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурларини амалга ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5048-сонли Қарори ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни бажариш учун ушбу диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамият, маънавий-маърифий, маданий ривожланиш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” дастурининг устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мазкур тадқиқотга тегишли бўлган илмий адабиётларнинг даврий хусусиятларидан келиб чиқиб, қуйидаги учта гуруҳга бўлиб ўрганиш мақсадга мувофиқ: 1) 1946–1991 йилларда яратилган адабиётлар; 2) Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан кейин амалга оширилган тадқиқотлар; 3) хорижий тадқиқотчилар томонидан яратилган асарлар.

Совет даври тадқиқотчилари томонидан яратилган илмий ишларда 1946–1965 йилларда Фарғона водийсидаги миграцион жараёнларнинг айрим жиҳатларигина ёритилган. Жумладан, И.Муллажонов, В.Бобоев, Л.Максимовларнинг тадқиқотларида миграцион жараёнлар умумий тарзда ўрганилган². Мазкур тадқиқотларда қишлоқ аҳолисининг шаҳарларга (урбанизация) ҳамда янги ўзлаштирилган ерларга кўчирилиши ва унинг оқибатлари ёритиб берилган.

Биринчи гуруҳга тааллуқли адабиётлар совет даврининг турли босқичларида яратилган бўлса-да, уларнинг аксариятида коммунистик мафкура таъсири сезилиб туради. Уларда совет ҳокимияти йилларидаги Ўзбекистонга компартиясининг жамиятдаги раҳбарлик роли, кўриқ ва бўз ерлари^{*}ни ўзлаштириш, бу ерда янги колхоз ва совхозларнинг ташкил қилиниши, республикада ва Фарғона водийсида пахта етиштириш ҳажмини кўпайтириш масалалари ҳамда ижтимоий муаммолар тадқиқот объекти бўлган. Ушбу тадқиқотларда танланган муаммо урушдан кейинги йилларда Фарғона водийсида қишлоқ хўжалигининг ривожланишини ўрганиш контекстида таҳлил қилинган. Аҳоли миграцияси масалалари бу

² Муллажонов И. Р. Ўзбекистон аҳолисининг миграцион алоқалари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1967. – 69 б.; Максимов Л. Миграция населения Узбекистана. – Ташкент: Фан. 1986. – 158 с.; Бобоев В. Аҳоли миграцияси ва миллий маданиятлар равнақи. – Тошкент: Ўзбекистон, 1986. – 25 б.

* Кўриқ ер – узоқ йиллар давомида экин экилмаган, табиий ўсимликлар билан қопланган майдон бўлиб, у чўл, дашт ва ярим чўл, дарёбўйи, ботқоқ, сувсиз водий яйловлари каби асосий типларга бўлинади. Бўз ерлар – мунтазам экин экиб келинган, икки йил ёки ундан ортиқ давр мобайнида ҳайдалмаган ва фойдаланилмай қолиб кетган, аммо фойдаланишга яроқли ерлар ҳисобланади. Қаранг: Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – Тошкент., 1999. – Б. 413; Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 11 жилд. Қизилқум–Ҳормус. – Тошкент., 2005. – Б. 190; Энциклопедик луғат. 2 томлик. 2-том – Тошкент., 1990. – Б. 506

тадқиқотларда асосий объект сифатида кўриб чиқилмаган. Хусусан, XX аср 40-йилларининг иккинчи ярмидан бошлаб Фарғона водийсининг аҳолиси зич районларидан янги ерларда барпо этилган хўжаликларга кўчирилиши масаласи пахта хом ашёсининг ялпи ҳажмини кескин ошириш контекстида ўрганилган. Шунингдек, Ю.Исҳоков, Х.Саидов, Г.Ризаев, Б.Сиддиқов, А.Тожибоев, М.Ваҳобов ва Л.Зотова каби муаллифларнинг тадқиқотларида республикада пахта ҳосилдорлигини ошириш ва пахтачиликни ривожлантириш муаммолари ўрганилган³. Ушбу изланишларда республикада, жумладан Марказий Фарғонада янги ерларни ўзлаштириш жараёнида ирригация ва мелиорация масалаларига эътибор қаратилган. Айни шу йўналишда совет даври тадқиқотчиларидан А.Аҳмедов, А.Мичурин, З.Акрамов, Р.Аминова, С.Мамарасулов, А.Мамедов, Н.Жабборов, С.Жалилов, Й.Қосимов, А.Игамбердиев, Т.Абдурахмонова, Р.Эгамбердиев, С.Тилекулов, М.Ваҳобов, Н.Эргашев ва А.Раззоқовлар илмий изланишлар олиб борганлар⁴.

Мустақиллик йилларида ҳам Ўзбекистон ССРнинг қишлоқ хўжалиги, янги ерларни ўзлаштирилиши, аҳолининг кўчирилиши, миграция муаммоларига эътибор берилди. Мазкур масала қатор муаллифлар, жумладан С.Турсунов, Ф.Зияев, Н.Обломуродов, О.Атамирзаев, В.Гентшке, Р.Муртазаева, Г.Жумаева ва Ҳ.Холмўминов, О.Комилов, М.Рузиқуловларнинг⁵ тадқиқот объектига айланди. Мазкур гуруҳ

³ Исҳоков Ю. Развитие хлопководства в Узбекистане. – Ташкент: Фан, 1963; Саидов Х. Борьба за осуществление ленинских идей в развитии советского хлопководства. – Ташкент: 1966; Ризаев Г. Аграрная политика Советской власти в Узбекистане (1917–1965 гг.). – Ташкент, 1967; Ўша муаллиф: Социалистическое сельское хозяйство Узбекистана. – Ташкент: Узбекистан, 1978; Сиддиқов Б. Мероприятия партийных организаций Узбекистана по развитию хлопководства в совхозах (1956–1961 гг.). – Ташкент: Узбекистан, 1969; Таджибаев А. Колхозное крестьянство Узбекистана в борьбе за подъем хлопководства (1956–1965 гг.). – Ташкент: Фан, 1973; Ваҳобов М., Зотова Л. Партийное руководство развитием хлопково-промышленного комплекса в Узбекистане. – Ташкент: Узбекистан, 1985.

⁴ Аҳмедов А. Наманган областидаги ирригация системаларини қайта қуриш тажрибаси. – Тошкент, 1949; Мичурин А. Ўрта Тўқай омбори қурилиши тажрибаси. – Тошкент: Ўзбекистон, 1949; Акрамов З. Наманганская область. – Ташкент: АН УзССР, 1955; Ўша муаллиф: Жемчужина Средней Азии. – М.: Наука, 1960; Аминова Р. Великое народное движение в ирригационном строительстве Узбекистана (1939–1940 гг.). – Ташкент: АН УзССР, 1957; Мамарасулов С. Ирригация Узбекистана. – Ташкент: Фан, 1964; Мамедов А. Развитие ирригации в Узбекистане. – Ташкент: Фан, 1967; Жабборов Н. Янги ерларни суғориш ва ўзлаштиришнинг иқтисодий проблемалари. – Тошкент: Фан, 1969; Жалилов С. Ж. Фарғона водийсининг суғорилиш тарихидан. – Тошкент: Фан, 1977; Қосимов Й. Наманган воҳасининг суғорилиш тарихидан. – Тошкент: Фан, 1983; Игамбердиев А., Абдурахмонова Т. История развития ирригации Узбекистана. – Ташкент: Фан, 1975; Раззоқов А. Ўзбекистон мелиорацияси: ўтмиш, бугун, келажак. – Тошкент: Ўзбекистон, 1964; Ўша муаллиф ва Эгамбердиев Р. Ўзбекистонда кўрик ерларни ўзлаштириш ва мелиорациялаш тарихи. – Тошкент: Фан, 1981; Тилекулов С. Социалистическое орошение земледелия в Узбекистане (1917–1965 гг.). – Ташкент: Фан, 1981; Ваҳобов М., Эргашев Н. Руководство компартии Узбекистана освоением целинных земель. – Ташкент: Узбекистан, 1985; Раззоқов А. Сув ва ҳаёт. – Тошкент: Фан, 1991.

⁵ Турсунов С. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги ривожланишининг шартлари ва пасайиш омиллари (1946–1965 йй.). – Тошкент: Фан, 1994; Ўша муаллиф: Қишлоқ аҳолисининг уй-жой маиший шароитларини яхшилаш муаммолари (1946–1965 йй.). – Тошкент: Фан, 1994; Атамирзаев О., Гентшке В., Муртазаева Р. Узбекистан многонациональный: Историко-демографический аспект. – Ташкент: Янги аср авлоди, 1998; Холмўминов Ҳ. Ўзбекистон жанубий вилоятларида тарихий демографик жараёнлар. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2011; Комилов О. Ўзбекистонда суғориш тизими ривожланиши: ютуқ, муаммо ва оқибатлар. Монография. – Тошкент: Akademnashr, 2016; Турсунов С. 1946–1965 йилларда Ўзбекистон иқтисодиёти аграр соҳасининг ривожланиши. Тарих фан.док.дисс. – Тошкент, 1995; Зияев Ф. Ўзбекистоннинг кўрик ва бўз ерларида қишлоқ хўжалик кадрларнинг шаклланиши: тажриба ва муаммолар (Мирзачўл минтақаси мисолида) (1965–1970 йй.). Тарих.фан.ном.дисс.автореф. – Тошкент, 1994.; Обломуродов Н. Развитие аграрного производства Узбекистана в 1971–1990 гг. Опыт уроки, проблемы. Автореф.дисс. ист. наук. – Ташкент, 1994.; Жумаева Г.

тарихшунослиги учун характерли бўлган жиҳатлардан бири – Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалигининг зиддиятли ҳолати, асосий эътибор пахтачиликнинг ривожлантиришга қаратилганлиги кўрсатилган. Шу билан бирга, республика ва областларда аҳоли миграцияси, биринчи навбатда, ўзлаштирилаётган янги ерларни экин майдонларига айлантириш билан боғлиқ ҳолда ёритиб берилган.

Учинчи гуруҳга мансуб адабиётлар чет эл тадқиқотчилари томонидан яратилган. Фарб тадқиқотчиларининг совет ҳокимияти даврида олиб борган илмий изланишларда Ўзбекистон қишлоқ хўжалигидаги зиддиятли ўзгаришлар СССРда содир бўлган жараёнлар контекстида ёки республикада рўй берган ижтимоий-сиёсий ўзгаришларнинг бир қисми сифатида таҳлил қилинган⁶. Таъкидлаш жоизки, хориж ҳамда совет даври тарихшунослигида, шунингдек, мустақиллик йилларида Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалиги ва янги ерларнинг ўзлаштирилишини ўрганиш доирасида миграцион жараёнларнинг айрим жиҳатларигина таҳлил қилинган. Лекин ушбу илмий изланишларда Фарғона водийсининг 1946–1965 йиллардаги ижтимоий-иқтисодий ривожланишида ички миграциянинг роли кўрсатиб берилмаган.

Амалга оширилган тарихшунослик таҳлили Ўзбекистон қишлоқларидаги ижтимоий-иқтисодий жараёнларда миграцион омилнинг роли масаласини тарихий аспектда яхлит ҳолда тадқиқ этиш илмий-назарий, амалий жиҳатдан зарур эканлигини кўрсатади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган муассасанинг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон ФА Тарих институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ 2018–2020 йилларда амалга оширилган ПЗ-20170925293 “Ўзбекистон раҳбариятининг 1945–1983 йиллардаги ижтимоий-сиёсий фаолияти” амалий лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Фарғона водийсининг 1946–1965 йиллардаги ижтимоий-иқтисодий ривожланишида ички миграциянинг ролини очиқ беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

Янги ерларни ўзлаштириш, улардан фойдаланиш иқтисодий самарадорлиги (Қашқадарё вилояти мисолида). Иқтис.фан.ном.дисс.автореф. – Тошкент, 2000; Холмўминов Х. Ўзбекистонда совет мустамлакачилиги сиёсатининг миграцион жараёнларга таъсири (Жанубий вилоятлар мисолида. 1946–1990 йй). Тарих.фан.ном.дисс. автореф. – Тошкент, 2007; Комилов О. Ўзбекистонда суғориш тизими ривожланиши: ютуқ, муаммо ва оқибатлар. Монография. – Тошкент: Akademnashr, 2016; Рузикулова М. Марказий Фарғона кўрик ерларининг ўзлаштирилиши ва суғорилиши тарихи (XX асрнинг 50–70-йиллари мисолида). Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. – Фарғона, 2021.

⁶ Geoffrey Wheeler. The Modern History of Soviet Central Asia. – London, Weidenfeld and Nicolson, 1964; Edward Allworth. The Nationality in Soviet Central Asia. – New York: Pager, 1973; Robert Conquest. The last Empire: Nationality and the Soviet Future. – Boulder, Colo.: Hoover Institute Press, 1986; Gregory Gleason. Federalism and Nationalism: The Struggle for Republican Rights in the USSR. – Boulder: Westview Press, 1990; Central Asia: A Century of Russian Rule, ed. Edward Allworth. New York: Columbia University Press, 1967; Soviet Nationality Policy in Practice. Robert Conquest (ed.). – London: Boodle Head Ltd., 1967; Soviet Central Asia: The Failed Transformation, ed. William Fireman - Boulder, Colo.: Westview Press, 1991; Critchlow, James. Nationalism in Uzbekistan. – Boulder, CO: Westview Press, 1991; Gregory Gleason. The Central Asian States: discovering independence. – Boulder, Westview Press. USA. 1997; Adeeb Khalid. Islam after Communism: Religion and Politics in Central Asia. – University of California Press Berkeley and Los Angeles, California; Ушбу муаллиф: Making Uzbekistan: Nation, Empire, and Revolution in the Early USSR. – Cornell University Press, Ithaca and London, 2015; Anita Sengupta. The Formation of the Uzbek Nation-State: A Study in Transition. – Maryland, Lexington Books, 2003.

Ўзбекистон ССР, хусусан, Фарғона водийси областларида қишлоқ хўжалигининг урушдан кейинги йиллардаги аҳоли ва янги ерларни ўзлаштириш тарихининг назарий-концептуал асосларини кўрсатиб бериш;

Ўзбекистон ССР иқтисодиётида қишлоқ хўжалигининг устувор аҳамиятга эга бўлганлиги ва унинг сабабларини очиб бериш;

Фарғона водийсида ирригация ва мелиорация ишларининг олиб борилиши ҳамда аҳолини янги ўзлаштирилган ерларга кўчириш жараёнини аниқ фактлар асосида таҳлил қилиш;

Фарғона водийси областларида кўчириш сиёсатининг олиб борилиши ва унинг миграцияга жараёнига кўрсатган таъсири, жумладан, ички кўчиришни ташкил этишдаги муаммоларини тадқиқ этиш;

янги ташкил этилган хўжаликлардаги ижтимоий-иқтисодий муаммолар ва кўчирилган аҳолининг янги шароитларга адаптацияси (кўникиши) муаммоларини очиб бериш;

янги ўзлаштирилган ерларда ташкил этилган колхоз ва совхозларнинг иқтисодий кўрсаткичларини фактлар асосида таҳлил қилиш;

диссертацияда қилинган хулосаларга таянган ҳолда, Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар, жумладан, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш бўйича давлат дастурларини бажаришга хизмат қиладиган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объектини 1946–1965 йилларда Фарғона водийси областларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши контекстида ички миграция тарихи ҳамда у билан боғлиқ жараёнлар ташкил этади. Мазкур даврда Фарғона водийси областларида аҳолини Марказий Фарғонага кўчириш сиёсатининг бу даврда фаол олиб борилгани диссертациянинг хронологик чегарасини белгилаб берди.

Тадқиқотнинг предмети этиб Фарғона водийсида ирригация ва мелиорация ишларининг кечиши ҳамда республикада аҳолини янги ўзлаштирилган ерларга кўчириш жараёнини таҳлил қилиш белгиланган.

Тадқиқотнинг усуллари. Мазкур диссертацияни тайёрлаш жараёнида объективлик, тизимли таҳлил, тарихий-қиёсий ва оғзаки тарих каби усуллардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Иккинчи Жаҳон урушидан кейинги йилларда республика қишлоқ хўжалигини, биринчи навбатда, пахтачиликни ривожлантириш муҳим вазифалардан бири сифатида эътироф этилгани, Марказий Фарғонада олиб борилган аграр сиёсат оқибатида кўриқ ва бўз ерларни ўзлаштирилиши, ташкил қилинган хўжаликларни меҳнат ресурслари билан таъминлаш масаласи аҳолини кўчириш ҳисобига ечилганлиги асослаб берилган;

1946–1965 йилларда Марказий Фарғонанинг кўриқ ва бўз ерларига аҳолини кўчиришнинг ҳукумат томонидан аниқ механизми ишлаб чиқилмаганлиги, кишиларнинг янги манзилдаги ноқулай шарт-шароитга мослашиши қийин кечганлиги, кўнимсизлик даражасининг юқори бўлгани, бу борада амалга оширилган тадбирларнинг етарли самара бермаганлиги аниқланган;

Андижон, Наманган, Фарғона вилоятларида аҳолини кўчириш туфайли юз берган қийинчиликлар, жумладан, аҳолининг узок йиллар давомида уй-жой билан таъминланмаганлиги, таълим, соғлиқни сақлаш ва бошқа соҳаларда хизмат кўрсатиш тизимининг етарли даражада йўлга қўйилмагани далилланган;

Марказий Фарғона (Улуғнор, Мингбулок, Ёзёвон районлари)да янги ерларнинг ўзлаштирилиши, суғорма майдонлар майдонининг ортиши, миграцион омилнинг қишлоқ хўжалигига кўрсатган таъсири ҳамда ташкил қилинган колхоз ва совхозларга кўчирилган аҳолининг маиший турмушидаги ижтимоий муаммоларнинг ечими билан боғлиқ ишлар, одамларнинг турмуш тарзи, ҳудудда кечган ижтимоий-иқтисодий жараёнлар мисолида асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистоннинг янги тарихини яратиш бўйича амалий изланишлар олиб борилган ҳамда ўрганилган масалалар ва умумлаштирилган илмий хулосалар асосида Фарғона водийси областларининг 1946–1965 йиллардаги ижтимоий-иқтисодий тарихининг айрим жиҳатлари ёритилган;

олий ўқув юртлири ва академик лицейларда Фарғона водийсининг 1946–1965 йилларда қишлоқ хўжалиги тарихини ўрганиш учун махсус курс ҳамда семинарлар ташкил қилиш, шунингдек ўқув дастурлари ва ўқув-услубий қўлланмалар тайёрлаш учун зарур бўлган маълумотлар ёритиб берилган;

Фарғона водийси областларида 1946–1965 йилларда амалга оширилган аҳолини кўчириш тарихини кўрсатиб берувчи бир қатор янги маълумотлар, архив ҳужжатлари илмий муомалага киритилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Диссертацияда илмий тадқиқотларни амалга оширишнинг замонавий методлари асосида янгича ёндашувларнинг қўлланилганлиги, чет элда нашр қилинган янги илмий адабиётлар ва дала ёзувларидан фойдаланилгани, аксарият маълумотлар бирламчи манбаларга асосланганлиги, хулоса, таклиф ҳамда тавсияларнинг жорий этилгани ва амалиётда қўллашга доир далолатномалар берилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти водий областларида кўчириш жараёни ҳамда Марказий Фарғонадаги кўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш тарихи муаммоли-хронологик, тарихий-қиёсий усуллар асосида, объективлик тамойилига таяниб, тузилмавий-тизимли таҳлил асосида ёритилгани сабабли улардан ушбу муаммога оид назарий хулосаларни мукаммаллаштиришда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятларининг тарих ва маданият музейлари экспозицияларини тарихий материаллар билан бойитиш, шунингдек, Андижон, Наманган ва Фарғона давлат университетлари талабалари ҳамда магистрантлар учун махсус курслар, шу билан бирга, Ўзбекистон тарихининг совет даври, шу жумладан, водий ҳудудида янги ерларни ўзлаштириш ва ушбу жараён билан боғлиқ аҳоли миграцияси бўйича дарслик ҳамда ўқув қўлланмалар яратишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Фарғона водийсининг 1946–1965 йиллардаги ижтимоий-иқтисодий ривожланишида ички миграциянинг ролига доир ишлаб чиқилган илмий натижалар асосида:

Фарғона водийси вилоятларида юз берган ижтимоий-иқтисодий жараёнларнинг кечиши, республика иқтисодиётида қишлоқ хўжалигининг устувор аҳамиятга эга эканлиги, мазкур даврда пахта яккаҳокимлигининг кучайиб бориши оқибатида Марказий Фарғонада янги ерларнинг ўзлаштирилиши ва минтақада олиб борилган кўчириш сиёсати ва янги хўжаликларнинг ташкил қилиниши, амалга оширилган тадбирларда миграцион омилнинг роли ва унинг иқтисодиётга кўрсатган таъсири бўйича олинган илмий натижалардан Наманган вилояти тарих ва маданият давлат музейи экспонатларининг “1946-1965 йилларда Ўзбекистон ССР, жумладан Фарғона водийси вилоятларида юз берган ижтимоий-иқтисодий жараёнлар” мавзусидаги бўлимларини бойитишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг 2021 йил 27 январдаги 03–12–08–399-сон маълумотномаси). Тақдим этилган илмий натижалар музейга ташриф буюрувчилар, айниқса, ёш авлоднинг Фарғона водийсида 1946-1965 йилларда амалга оширилган аграр сиёсат ва унинг оқибатлари, жумладан, ижтимоий ҳаётдаги зиддиятли ва мураккаб ўзгаришлар ҳамда ушбу жараёнларнинг асл моҳияти ҳақидаги тасаввурларининг бойитишга хизмат қилади.

1946-1965 йилларда Фарғона водийси вилоятларидаги чўл ва қўриқ ерларнинг ўзлаштирилиши, ушбу ҳудудларда янги хўжаликларнинг ташкил қилиниши, кишиларнинг янги манзилдаги ноқулай шарт-шароитга мослашиши қийин кечганлиги, кўнимсизлик даражасининг юқори бўлганлиги, бу борада амалга оширилган тадбирларнинг етарли самара бермагани каби муаммолар тарихий фактлар асосида очиқ берилди ва улардан ЁА–ОТ–0–14679 ЁФ2-15 рақамли “Ўзбекистон маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятини такомиллаштириш йўналишлари” мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида тайёрлаган “Ўзбекистон маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларининг шаклланиши ва ривожланиши тарихи” номли монографияда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 6 январдаги 89–03–59 сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши 1946-1965 йилларда Фарғона водийсида амалга оширилган ижтимоий-иқтисодий жараёнларда миграцион омилларнинг ролини аниқлаш ҳамда унинг сабаб ва оқибатларини ҳолисона баҳолашга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижасида олинган хулоса ва таклифлар 4 та илмий-амалий конференцияда, шу жумладан 2 та халқаро ва 2 та республика миқёсидаги илмий-амалий конференцияларида апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 12 та илмий иш чоп этилган. Улардан Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий

нашрларда 6 та мақола, жумладан 4 та республика, 2 та хорижий журналларда эълон қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Тадқиқот кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган манбалар ва адабиётлар рўйхати ҳамда иловадан иборат. Диссертациянинг тадқиқот қисми 140 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида танланган мавзунинг долзарблиги, мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети асослаб берилган. Тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилиб, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган. Олинган натижаларнинг ишончилиги асосланган ҳолда уларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган. Тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, ишнинг апробацияси, эълон қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши, ҳажми бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Фарғона водийси областлари қишлоқ хўжалигининг урушдан кейинги йиллардаги аҳволи ва янги ерларни ўзлаштириш муаммолари”** деб номланган биринчи бобида республика ва минтақанинг урушдан кейинги ривожланиши таҳлил қилинган. 1946 йил 2 февралда СССР ХКСнинг “Ўзбекистонда 1946-1953 йилларда пахтачиликни тиклаш ҳамда янада ривожлантириш режаси ва тадбирлари ҳақида”ги қарори қабул қилинди. Ушбу ҳужжатда совет ҳукумати томонидан қўйилган топшириққа кўра, 1953 йилга келиб республикада пахта етиштиришни урушгача бўлган даражага нисбатан бир неча баравар ошириш кўзда тутилган эди⁷.

Иккинчи Жаҳон урушидан кейинги йилларда катта қийинчиликларга қарамай, совет раҳбарияти томонидан Ўзбекистон ССРнинг олдига биринчи ўринда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш вазифаси қўйилди ва ушбу вазифа доирасида пахтачилик соҳаси устивор аҳамият касб этди. Кўзланган мақсадларга эришиш учун, республиканинг барча иқтисодий ва инсон ресурсларини сафарбар этиш талаб қилинар эди. Ўзбекистон ССР иқтисодиётини ривожлантиришда қишлоқ хўжалиги устувор аҳамиятга эга бўлганлиги боис, пахта экин майдонларини янги ерларни ўзлаштириш ҳисобига кўпайтириш вазифаси кун тартибига қўйилди. Бу вазифаларни рўёбга чиқариш учун эса, Иккинчи жаҳон уруши арафасидаги каби, катта ирригация ва мелиорация ишларини бажариш назарда тутилди. Шу сабабли, қурилиши тўхтатиб қўйилган Каттакўрғон ва Ўртатўқай сув омборларини бунёд этишни давом эттириш, Шимолий Фарғона ҳамда Тошкент каналларининг қурилиши, шунингдек, Марказий Фарғона ва Мирзачўлда кенг кўламдаги ирригация-мелиорация ишларини олиб бориш, Охунбобоев номидаги канал, Чимбойдаги суғориш тизимини таъмирлаш, Шовот каналидаги тўсиқ қурилиши каби ишларни тиклаш бўйича совет

⁷ Очерки истории коммунистической партии Узбекистана. – Ташкент: Узбекистан, 1974. – С. 471, 768.

ҳукуматининг қарорлари қабул қилинди. Натижада қисқа муддатларда бундай ишларнинг амалга оширилиши туфайли республикада пахтачилик базасини янада мустаҳкамлашга эришилди.

Кенг миқёсда олиб борилган ирригация ва мелиорация ишлари туфайли республиканинг кўплаб пахтачилик ҳудудларида сув танқислиги муаммоси ҳал бўлди. Янги коллектор* ва зовурларнинг қурилиши ҳамда эски сув иншоотларининг таъмирланиши натижасида ерларнинг шўрланиш ва ботқоқланиш жараёнини олдини олиш режалаштирилди⁸. Лекин таъкидлаш жоизки, қишлоқ хўжалигидаги ушбу салбий ҳолатнинг ечими нафақат урушдан кейинги йилларда, балки совет даврининг кейинги босқичида ҳам ҳал бўлмади, аксинча, ерларнинг шўрланиш ва ботқоқланиш жараёни давом этаверди.

Иккинчи жаҳон урушидан кейин Ўзбекистон иқтисодиётида қишлоқ хўжалигининг устувор аҳамиятга эга бўлганлиги ва пахтачиликнинг муттасил ўсиб борганлигини куйидаги фактлар мисолида ҳам кўриш мумкин. 1946-1950 йилларда пахтачиликка ажратилган экин майдонлари 148 минг гектарга кўпайиб, ҳосилдорлик 15,6 центнердан 20,7 центнергача кўтарилди. Пахта экин майдонларининг кўпайиши, асосан, бошқа қишлоқ хўжалик экинлари, шу жумладан, дон майдонининг қисқартирилиши ҳисобига юз берди. Айти вақтда, қишлоқ хўжалик ишларини механизациялаш бўйича ҳам салмоқли ишлар амалга оширилди. Натижада, 26 та янги машина-трактор, 16 та машина-экскаватор ва 14 та машина-чорвачилик станциялари барпо этилди⁹.

Лекин Марказ республиканинг иқтисодий, инсоний ва моддий ресурслари чекланганлигини ҳисобга олмади. Пахтачиликни ривожлантириш бўйича Ўзбекистон олдида ҳаддан ташқари юқори вазифалар қўйилганлиги боис, 1949-1950 йилларда режа топшириқлари бажарилмади. Лекин шунга қарамай, республиканинг табиий ва инсон ресурсларини шафқатсиз ишга солиш ҳисобига пахта ишлаб чиқаришнинг ялпи ҳажми шу даврда 1948 йилга нисбатан 51 фоизга ошди¹⁰.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистонда яратилган машинасозлик саноатининг асосий вазифаси пахтачиликни комплекс механизациялаштириш, ирригация-мелиоратсия ишлар ва қишлоқ хўжалигининг бошқа соҳалари учун зарур бўлган машиналарни кенг миқёсда ишлаб чиқаришни ташкил қилишдан иборат бўлди. Натижада 1949 йилнинг ўзида республика машинасозлик заводларида маҳсулот ишлаб чиқариш 30 фоизга оширилди¹¹. Умуман олганда, 1946–1950 йилларда пахтачилик учун мўлжалланган қишлоқ

* Коллектор (мелиорацияда) – дренаж тармоғининг сув йиғувчи қисмидан келаётган сувни қабул қилиб, мелиорацияланадиган майдондан чиқариб юборадиган очик канал ёки дренаж қузури. Коллектор хўжалик, хўжаликлараро ва магистрал турларига бўлинади. Бу ҳақда қаранг: <https://qomus.info/encyclopedia/cat-k/kollektor-uz-2>.

⁸ Коммунистическая партия Узбекистана в резолюциях и решениях съездов и пленумов ЦК. Том второй. 1938–1959. – Ташкент: Узбекистан, 1988. – С. 353.

⁹ Юқоридаги асар... – С. 525.

¹⁰ Ўзбекистон тарихи (1917–1991). Иккинчи китоб. 1939–1991 йиллар. – Тошкент: O'zbekiston, 2019. – Б. 80.

¹¹ Коммунистическая партия Узбекистана в резолюциях и решениях съездов и пленумов ЦК. Том второй. 1938–1959.... – С. 365.

хўжалик машиналарини ишлаб чиқариш 6 марта ва минерал ўғитлар етказиб бериш 1,8 марта ошган¹². Бундан кўриниб турибдики, республикада мавжуд бўлган машинасозлик, шу жумладан, қишлоқ хўжалик машинасозлиги ва кимё саноатининг асосий вазифаси пахтачиликни ривожлантиришни таъминлаш эди.

Иккинчи Жаҳон урушидан кейинги дастлабки йилларда Фарғона водийсининг республика қишлоқ хўжалигидаги ўрнини таҳлил қилиш шундан далолат берадики, мазкур минтақа иқтисодиётининг ривожланишини белгилаб берадиган асосий омиллардан бири – бу пахта етиштиришни тез суръатлар билан ошириш эди. Совет ҳукумати томонидан қўйилган режага кўра, 1946 йилда Наманган областида 78 минг га, Фарғона областида 108 минг га, Андижон областида эса 112 минг га ер майдонида пахта етиштириш белгиланган эди. Мазкур областларда ҳар гектардан олинадиган ҳосил эса республика бўйича (Тошкент области билан бир қаторда) энг юқори кўрсаткични, яъни мос равишда 16 ц, 16,6 ц ва 17,6 ц ни ташкил қилиши керак эди¹³.

Совет ҳукумати мазкур масалага урушдан кейинги йиллардаги қийинчиликлар, шунингдек, республиканинг ер-сув ва демографик ресурсларини инобатга олмаган ҳолда ёндашган. Режа топшириқларининг муттасил ортиб бориши, республика, шу жумладан, Фарғона водийси областларининг иқтисодий-ижтимоий ривожланишига салбий таъсир кўрсатди. Шу билан бирга, пахта экин майдонларини кенгайтириш водийда янги ерларни жадал суръатлар билан ўзлаштириш каби вазифани ҳам талаб этар эди.

Марказий Фарғона чўлида, шунингдек, водийнинг бошқа ҳудудларида ҳали ўзлаштирилмаган кўриқ ва бўз ерлар мавжуд бўлиб, бу, албатта, ҳали фойдаланилмаётган улкан иқтисодий имконият эди. Шунинг учун 1947 йилда Ўзбекистон ССР бўйича 260,7 минг га ер майдонини ўзлаштириш режалаштирилди. Республика областлари бўйича янги ерларни ўзлаштириш қуйидаги ҳажмда белгиланди: Сурхондарё областда – 10,4 минг, Наманган областида – 15,3 минг, Фарғона областида – 20,3 минг, Қашқадарё областида – 21 минг, Самарқанд областида – 21,7 минг, Бухоро областида – 23,2 минг, Хоразм областида – 30 минг, Андижон областида – 33 минг, Қорақалпоғистонда – 38,9 минг, Тошкент областида эса 46,9 минг га¹⁴.

Урушдан кейинги дастлабки йилларда Марказий Фарғонадаги кўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш ҳамда янги колхозларни ташкил қилиш жараёнида ирригация ва мелиорация ишларини ташкил қилиш, ушбу соҳани жадал суръатда ривожлантириш, янги ирригация объектларини қуриш муҳим аҳамиятга эга эди. Шунинг учун совет ҳукумати ва республика раҳбарияти бу ишларга кам аҳамият берилаётганини, урушдан аввалги йилларда ҳашар йўли билан ташкил қилинган каналлар қурилиши тажрибаси унутилганини кескин

¹² Коммунистическая партия Узбекистана в резолюциях и решениях съездов и пленумов ЦК. Том второй. 1938–1959.... – С. 523.

¹³ Юқоридаги асар... – С. 249.

¹⁴ Юқоридаги асар... – С. 278.

танқид қилди. Ирригация-мелиорация ишларига водий областлари раҳбарлари томонидан кам эътибор берилиши оқибатида давлат томонидан ажратилган маблағнинг ярми ҳам ўзлаштирилмаган. Ушбу ҳолат нафақат Фарғона водийси областлари, балки бутун республикага ҳам тааллуқли эди.

Фарғона водийсида янги ерларни ўзлаштириш ҳамда ирригация-мелиорация ишларини янада жадаллаштириш мақсадида аввалги йилларда қабул қилинган қарорларга қўшимча бошқа янги қарорлар қабул қилинган. СССР Министрлар Совети 1952 йил 2 сентябрда “Пахтачиликни келгусида ривожлантириш учун ЎзССРнинг Андижон, Наманган ва Фарғона областларидаги ерларни суғориш ва ўзлаштириш тўғрисида”ги қарорни қабул қилди¹⁵. Навбатдаги бу каби норматив ҳужжатлардан бири – бу КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг “Ўзбекистон ССРда 1954–1958 йилларда пахтачиликни янада ривожлантириш ҳақида”ги қарори бўлиб, унда Фарғона водийсида 142 минг га, шу жумладан, 116 минг гектар экин майдонни Марказий Фарғонада ўзлаштириш ва суғориш кўзда тутилган эди. Ушбу майдоннинг 50 минг гектари эса Наманган областининг зиммасига тушган эди. Ушбу миқдор Наманган областининг (XX аср 50-йиллар ўрталари) колхоз ва совхозларида экиладиган майдоннинг учдан бир қисмига тенг эди¹⁶.

Наманган областининг янги ўзлаштирилиши назарда тутилган ерлар Дамқўл, Оққум, Момохон, Аччиққўл, Найман ва Бўз массивларида жойлашган эди. Ушбу ерлар ўзлаштирилгандан сўнг XX аср 50-йилларнинг иккинчи ярмида ҳар бири 1,5-1,6 минг гектардан ер майдонга эга бўлган 30 тадан ортиқ колхозлар ташкил қилинган. Янги ўзлаштирилган ерларда 30 минг га ерга пахта экилган¹⁷. XX аср 50-йилларнинг ўрталарида Фарғона водийсининг айрим районлари ва аксарият колхозларида пахта майдони умумий экин майдонининг 80 фоиздан кўпроғини ташкил қилган. Масалан, Андижон области районларига 1957-1960 йилларда пахта экиладиган майдонларни 7,7 минг гектарга кенгайтириш, ялпи пахта ҳосилини эса 84,1 минг тоннага етказиш мажбурияти юклатилган эди¹⁸. Ушбу вазифани ҳал этишда алмашлаб экишга ҳам эътибор бериш зарурлиги таъкидланди. Шунингдек, колхозлар хўжаликнинг бошқа соҳалари, хусусан, чорвачиликни ривожлантиришга ҳам эътибор беришлари керак бўлган. Республика раҳбариятининг фикрига кўра, мазкур вазифани амалга ошириш учун янги ерларни ўзлаштириш лозим эди.

Диссертациянинг иккинчи боби “**Фарғона водийси областларида кўчириш сиёсатининг олиб борилиши**” деб номланиб, унда ички миграциянинг моҳияти ва унинг Фарғона водийси областларида қандай амалга оширилиганлиги жараёни ёритиб берилган.

¹⁵ Фарғона вилояти давлат архиви (бундан кейин ўринларда – ФВДА). 1151-жамғарма, 1-рўйхат, 3-йиғмажилд, 14-варақ.

¹⁶ Наманган вилояти давлат архиви (бундан кейин ўринларда – НВДА). 275-жамғарма, 1-рўйхат, 1341-иш, 2-варақ.

¹⁷ НВДА, 275-жамғарма, 1-рўйхат, 1341-иш, 3-варақ.

¹⁸ Андижон вилояти давлат архиви (бундан кейин ўринларда – АВДА). 608-жамғарма, 1-рўйхат, 844-йиғма жилд, 32-варақ.

Кўчириш сиёсати 1940-йилларнинг иккинчи ярми – 1950-йилларда Андижон области аҳолисининг турмушидаги муҳим иқтисодий-ижтимоий тадбир сифатида ўрин эгаллаган. Шу билан бирга, янги ташкил қилинган хўжаликларнинг фаолиятини йўлга қўйиш, уларнинг иқтисодий ривожланиши ва меҳнат самарадорлигини ошириш масалалари муҳим аҳамият касб этган.

Кўчириладиган аҳоли, асосан, Андижон областининг аҳоли зич жойлашган Андижон, Олтинкўл ва Ленинск (ҳозирги Асака) районларидаги колхозларига тўғри келган. Ушбу районлардаги колхозчиларнинг даромади юқори, шунингдек, уларнинг шахсий уйлари, томорқаси, боғи ва қорамоли ҳам бўлган. Жумладан, Холдеворбек райони (ҳозирги Шаҳрихон)нинг “Косигин” номидаги колхоз асосан кўчирилган аҳоли ҳисобига 1949 йилда ташкил қилинган. Аҳолини кўчириш 1950 йилда бошланган ва ўша йили 57 та хўжалик кўчирилган. Бу хўжаликларда меҳнатга лаёқатли одамлар 118 нафарни ташкил қилган. Ушбу колхозга аҳолини кўчириш то 1955 йилгача давом этган. Жумладан, 1951 йилда 22 та, 1952 йилда 15 та, 1953 йилда 33 та, 1954 йилда 29 та, 1955 йилда эса 26 та, ушбу йиллар давомида жами 182 та оила кўчирилган. Улардан 372 нафар киши меҳнатга лаёқатли бўлган. Лекин айрим ижтимоий муаммоларнинг ҳал қилинмагани, шунингдек, янги яшаш жойларда шароитининг қониқарсиз бўлганлиги оқибатида ушбу йиллар давомида кўчиб келган хўжаликлардан 48 нафари ўзларининг эски қишлоқларига қайтиб кетган¹⁹.

Юқорида таъкидланганидек, мазкур областда кишиларни янги ўзлаштирилган ерларга кўчириш Марказий Фарғонага ёндош бўлган, аҳолиси кўп Бўз ва Балиқчи районлари колхозлари ҳисобига амалга оширилган. Умуман олганда, областдаги кўчириш жараёнида йўл қўйилган жиддий камчиликлар оқибатида кўчиб келган аҳолининг катта қисми янги ташкил қилинган хўжаликларни ташлаб, яна ўзларининг эски яшаш жойларига қайтиб кетган. Бундай салбий ҳолат областда 1950–1952 йилларда қуйидаги рақамларда ўз ифодасини топган. 1950 йилда 947 та хўжалик кўчирилиб, шундан 577 таси, 1951 йилда кўчирилган 908 та оиланинг 487 таси ва 1952 йилда кўчирилган 1089 та хўжаликнинг 471 таси янги ташкил қилинган колхозларни тарк этган. Шундай қилиб, уч йил давомида ҳаммаси бўлиб 2944 та хўжалик янги ўзлаштирилган ерларда ташкил қилинган колхозларга кўчирилган, улардан 1534 таси янги кўчиб келган жойларини тарк этишган²⁰.

Маълумотлардан кўриниб турибдики, уч йил давомида областда кўчирилган аҳолининг қарийб 50 фоиздан ортиғи янги ташкил қилинган колхозларни ташлаб кетган. Ўз даврида ушбу сиёсат иқтисодий жиҳатдан ҳам, сиёсий томондан ҳам ўзини оқламаган. Аҳолини янги жойларга кўчириш учун ҳукумат томонидан катта маблағ ажратилган. Аммо кўчиб келган аҳоли катта қисмининг кетиб қолиши ҳукумат томонидан амалга оширилаётган ушбу жараённинг муваффақиятини шубҳа остига қўйган.

¹⁹ ЎзМА, 2347-жамғарма, 1-рўйхат, 30-иш, 168-варақ.

²⁰ ЎзМА, 2347-жамғарма, 1-рўйхат, 30-иш, 20-варақ.

Андижон областида аҳолини кўчириш жараёни Фарғона водийсининг бошқа областлари каби XX аср 50-йилларининг иккинчи ярмида ҳам жадал суръатлар билан олиб борилди.

1957 йилда Фарғона водийсининг Наманган ва Фарғона областлари каби, Андижон областида ҳам кўчиб келган аҳоли ҳисобига янги колхозлар ташкил этилди. “Сариқжуга” ва “Улуғнор” кўриқ ерларида кўчирилган аҳоли ҳисобига 5 та янги колхозлар ташкил қилинди. Улар Андижон районидаги “Коммунизм”, Булокбоши районидаги “Ленин йўли”, Хўжаобод районидаги “Қизил юлдуз”, Холдеворбек райони (ҳозирги Шаҳрихон)даги “Хрушчев” ва Чинобод районидаги “Гулистон” номли колхозлар эди. Янги ташкил қилинган колхозлар “она-колхоз”лардан (янги колхозлар ушбу хўжаликлар асосида ташкил қилинган) бўлинмас фонд ҳисобига 4 648 минг рубль, 186 та йирик қорамол, 48 та от, 311 та қўй ва ҳ.к. олган²¹.

Кўчириш жараёнида субъектив характерга эга бўлган камчиликлар ҳам мавжуд эди. Ўзбекистонда, шу жумладан, Наманган областида кўчириш бўйича малакали инспектор мутахассислар бўлмаган. Натижада республика кўчириш ташкилотлари кўчириладиган аҳолини танлаш, уларнинг ҳужжатларини расмийлаштириш ҳамда бевосита жараённи амалга оширадиган ташкилотчиларни четдан таклиф қилишга мажбур бўлган. Шунингдек, Ўзбекистон ССРда кўчиришни амалга ошириш ишлари учун бошқа республикаларга нисбатан анча кам маблағ ажратилган. Масалан, Республика Қишлоқ хўжалиги министрлигининг “Бош кўчириш бошқармаси” томонидан 1954 йил режаси бўйича аҳолини кўчириш билан боғлиқ ташкилий ишларни бажариш учун жуда кам маблағ, ўртача ҳисобда ҳар бир оилага 2 рублдан ажратилган. Бошқа иттифоқдош республикаларда эса ушбу кўрсаткич 10 дан то 20 рублгача бўлган. Масалан, Қозоғистон ССРда ҳар бир оилани кўчириш билан боғлиқ харажатлар 15 рублни, РСФСРда эса 19 рублни ташкил қилган²². Шу сабабли, Ўзбекистон ССРда, Фарғона водийси, хусусан, Наманган областида миграцион жараёнларни амалга ошириш бошқа республикаларга нисбатан анча қийин кечган.

